ЭРТАЛАБ БИР КУЛИНГ, ТУШЛИКДА...

Янги йил арафасида элимиз севган қизиқчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой ТОЖИБОЕВ таҳририятимиз меҳмони бўлди

— Ҳожибой ака, сизнингча кулгу нима ўзи, у одамга қандай фойда беради?

— Кулгу инсонга маънавий озуқа, куч-қувват, руҳий тетиклик беради. Бир ҳақиқатни эсдан чиқарманг, фақат соғлом одамгина кулади. Яна бир нарса айтай, осмонга қараб хоҳолаб кулган одамгина соғлом бўлади. Ўз дардини кўчага ташлаб, уйига келиб мазза қилиб кулган одам, бахтиёрдир. Қолаверса, концертларимизга ҳам кўпинча шунақа шинаванда одамлар киради.

Хўш, яна нима десам экан?.. Кулгу эртанги кунга ишонч беради. Кулгу бу инсонга хос нарса, нега ҳайвонлар кулолмайди. Ўзингиз таъссаввур қилинг, ҳайвонлар кўчада бир-бирини кўриб ҳайқириб кулсалар-а... ғалати... Кулгу деган чиройли ва ажойиб туйғуни Худо фақат инсонларга берган.

Дунёда ҳар хил одамлар бор. Қизиқчи сўзнинг кучи билан одамларни кулдирса, бошқа бир қўрс одам сўзи билан инсонни касал қилиши мумкин. Касал бўлган одам шифокорга боради. Шифокор дарров дори ёзиб қўлингизга тутқазади. Бу яхши. Бироқ ушбу беморнинг иммунитети кучли бўлса-ку яхши. Кучсиз бўлсачи, уни касаллик енгади. Иммунитети кучли одамни ҳеч бир касаллик енга олмайди. Табиб эса иммунитетни кучайтирадиган дори беради. Ҳозир инсоннинг ҳар бир аъзосига шифо учун неча-неча малҳам ишлаб чиқилган. Дорихоналарга кирсангиз шунчалар дори кўпки ҳайратга тушасиз, ваҳоланки, мамлакатимизда унча касаллик турининг ўзи йўқ. Доришунослар ана шу йўқ касалликларга ҳам дори топишганмикан деб ўйлаб қоласан киши. Худога шукурки, халқимиз соғлом. Кулгунинг шундай фойдаси борки, ҳали буни қай даражада фойдали эканини инсоннинг ўзи ҳам билмайди. Одамларни кулдириб ҳам даволаш мумкин. Бу аллақачон тажрибадан ўтган ҳодиса. Ишонмасангиз синаб кўринг, ҳар куни эрталаб уйқидан туришингиз билан кулинг, тушликдан ҳам овқатдан олдин бир марта, овқатдан кейин бир марта, кечқурун уйқудан олдин яна бир марта кулинг. Бир ой шуни такрорланг, касаллик яқинингизга яқинлашмайди. Мен бунга кафил.

Айтайлик, дўстингизни кўргани касалхонага бориб қолдингиз. Ёнингизда ҳофиз, раққоса, шоир борса-ю, ётган касал раққосанинг чиройига қарамайди ёки ҳофизга бир келиб қолибсан, бир жуфт қўшиқ айтиб бер демайди. Бундай пайтда касални кулдириш керак. Дарров бир юмор ўйлаб топиш керак. Исонни кулдириш осон иш эмас. Ҳозир одамлар ёлғонга ишонмайдилар, нима тўғри, нима нотўғри ҳаммасини билиб турадилар. Ҳар ҳолда дунёни тўғри сўз бошқаргани яхши.

Кулгидан руҳият ўсади, қалбда қувноқлик пайдо бўлади, ҳатто бемор ҳам соғаяди.

— Ҳожибой ака, янги йил кутиш ҳам одамга роҳат беради. Ҳаётингизда Янги йил билан боғлиқ ғаройиб воқеалар бўлганми?

— 1980 йилда собиқ Ленинобад шаҳрининг катта саройларидан бирида концерт қўйдик. Ушбу концертга қизиққанимиздан иш билан бўлиб, кеч бўлганини ҳам билмай қолибмиз. Кўчага чиқсак машиналар йўқ. Шу пайтда ҳатто, трактор бўлса ҳам осилиб кетишга тайёр эдик. Минг афсуски, трактор ҳам топилмади. Пиёда борамиз десак Янги йил киришига ўн дақиқа қолибди, барибир улгура олмайсиз. Ҳамма Янги йилни уйида кутаяпти биз эса кўчада... Чорасиз қолганимиздан кейин бир чеккада ўтириб, қўлимиздаги «Шампан»ни очдик. Ҳамкасблар бир-биримизга омад тилаб қадоқ кўтардик. Шу воқеа ҳар Янги йил арафасида эсимга тушади. Кейин қанча янги йилларни кутиб олдим. Бироқ ўшанақа эсда қоладигани йўқ.

Яна бир гап. Аскарлик пайтимда Хабаровск ўлкасида ҳам 1977 йилни кўчада — қўлимда карабин билан постда кутиб олганман. Ҳаётимда бундай воқеа икки бора такрорланган. Илоҳим бу ҳол бошқа такрорланмасин.

— 2006 йилда ижодингизда қандай муҳим воқеа бўлди?

— 2006 йилда энг эсимда қолган воқеа — бу менинг «Халқлар Дўстлиги» саройида ўтган концертим бўлди. Бу тадбир мен кутганимдан ҳам зиёда ўтди.

— Мухлисларингизга Янги йил тилакларингиз...

— Илоҳим, халқимиз соғ-саломат бўлишсин, кулгу олами янада кенгайсин. Кулгу-табассум ҳар бир ҳамюртимизга ҳамроҳ бўлсин! Янги йил юртимизга кўпдан- кўп қувончли ва бахтли воқеаларни ҳадя этсин!

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА — ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Избоскан туманининг Тўрткўл қишлоғидаги «Ank spinning co ltd» ўзбек — корея қўшма корхонасида 200 дан зиёд маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

Қўшма корхона ҳар ойда 90 тоннагача жаҳон андазаларига мос қалава ишлаб-чиқариш қувватига эга. Бу маҳсулотнинг деярли 95 фоизини экспорт қилиш имконини бермоқда. Жорий йилда корхона Жанубий Корея ва Туркия давлатларига 386 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилди.

«Туркистон-пресс»

• *Ўқинг, қизиқ!*

МУЧАЛИНГИЗ ТЎНҒИЗ ЙИЛИМИ?

ёхуд мучалга асосланган йиллар тўғрисида нималар биласиз? Кириб келган тўнғиз йилингиз ҳақидачи? Қандай «туғма» хислатларингиз борлигидан воқифмисиз?

Мучал масаласига бағишланган ривоятлардан тортиб, ҳар хил ёдгорликлар, таърифлар, маълумотлар сони кўп. Масалан, XVI асрнинг мўътабар ёдгорликларидан бири — «Ғиёс-ул-луғат» (Қиёсиддин Муҳаммад, «Ғиёс-ул-луғат», Калкутта, 1322 ҳижрий) луғатида ҳинд, рум, инглиз, форс тарихлари билан бирга улардаги йилларнинг номланиш тарихлари ҳам, шунингдек, турк тарихи баёни ва туркий йил ҳисобининг ўзига хос томонлари қайд этилган. Туркий тарих баёнини Иғуз тарихи Fоз(е) лим тарихи ҳам дейишади. Яъни унинг мубтадоси Fоз(е) лим подшоҳлиги ибтидосидан бошланган деб тахмин қиладилар.

Абу Райҳон Беруний айтади: турклар румийларнинг ноқиса йилларига тўққиз сонини орттириб, ўн иккига тақсим қиладилар. Чиққан қолдиқни сичқон йилидан бошлайдилар ва ҳар бир ҳайвонга тўғри келгани шу (ҳайвон) йили бўлади. (Бундан) йилнинг бошланиши гарчанд маълум бўлмаса-да, лекин ушбу ҳисобдан қайси йил эканлиги ҳақида муайян тушунча ҳосил бўлади.

XI аср алломаси Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғутит турк» номли нодир асарида йилларнинг ҳайвонлар номи билан аталиши тарихига тўхталиб, шундай маълумот беради:

Турк хоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдинги урушни ўрганмоқчи бўлган. Шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишган. Бу масала юзасидан (ҳоқон) қавми билан кенгашди ва айтди:

«Биз бу тарихни (аниқлашда) қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга от қўйишимиз керак, токи, биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин». Улар «айтганингиздек бўлсин», дейишди.

Ҳоқон овга чиқди ва одамларга ваҳший ҳайвонларни Ила дарёси томон қувишни буюрди, бу жуда катта сув. Одамлар ов қилиб, ҳайвонларни сув томон ҳайдай бошладилар. Шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтди. Ўн икки йилни, ана шу ўн икки ҳайвон исми билан атадилар. Энг олдин сувдан ўтган ҳайвон (жонивор) сичқон бўлди. Шунинг учун йил боши унинг номи билан аталди ва шу сўзга йил қўшиб «сичқон йили» деб атадилар. Ундан кейин ўтганларининг ҳар бири бир йил учун исм бўлиб қолди.

Масалан:

уд йили — сигир йили;
барс йили — йўлбарс йили;
тавишган йили — қуён йили;
нақ йили — тимсоҳ (балиқ йили) ва ҳаказо.

Тўнғизга етгандан кейин, ҳисоб яна сичқондан бошланади... Турклар бу йилларнинг ҳар қайсида бирор ҳикмат бор, деб тахминлайдилар: Жумладан, уларча сигир йили бўлса уруш кўп бўлади, чунки сигир бир-бири билан сузишадиган ҳайвон. Товуқ йили кирса, озиқ- овқат кўпаяди. Тимсоҳ (балиқ) йили кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди, тўнғиз (чўчқа) йили кирса, қор мўл бўлиб, кўклам серсув, деҳқончилик барокатли, мева-чевалар тўкин келади...

Шуни таъкидлаш лозимки, йилларни ва буржларни ҳайвонлар номи билан аташ бошқа халқларда ҳам бўлиб, бу ўринда аввал ташаббус қайси бир халққа мансублиги ҳануз аниқ эмас. Лекин шу нарса маълумки, барча халқлардаги бу қоида бир-биридан нусха олиш асосида келиб чиққан. Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидича, бундай номланишга даставвал туркий халқлар асос солган бўлиб чиқади. Лекин бу масала чуқур текширишни талаб қилади.

Ғиёсиддин Муҳаммад хабар берган Иғуз (Ўғуз) ёки Fоз(е) лим тарихи ва Fоз(е) лим деган шахснинг ўзи тарихда ўтганми, турк тарихи ҳақида тарихий манбаларда юқоридаги маълумотлар мавжудми каби масалалар ҳақида мулоҳаза юритиш ҳам тарихшуносларга ҳавола.

●●●

Дарвоқе, туркий ўн икки ҳайвон номи билан аталган ўн икки даврали йилнинг ҳар бирида муайян ҳикмат бор. У ёки бу ҳодисалар қайсидир йилларда содир бўлади, деган ақида эса узоқ тарихга эга. Чунончи, Қуёш, Ой ва улар билан боғлиқ ҳолда Ерда содир бўладиган табиий ҳодисалар ва даврий такрорланиш натижасида шу ҳодисаларнинг муайян йилларга тўғри келиши... Бу ҳодисалар келиб чиқишининг туб сабабларини у даврларда одамлар у қадар тушунмаган бўлсалар-да, уларнинг муайян йилларда такрорланишини тажриба орқасида кузатишлари кўп жиҳатдан ҳаётда муҳим аҳамият касб этган.

Хуллас, Осиё ва Африка қитъаларидаги мамлакатларда қабул қилинган йилнома ҳайвонлар номи билан аталувчи 12 йилни ўз ичига олган мучалга асосланган. Ушбу йил ҳисобига кўра, ҳар бир инсон муайян йилда ўзининг келгусидаги ҳаётига таъсир кўрсатувчи туғма хислатларга эга бўлиб туғилади.

●●●

ТЎНҒИЗ йилида туғилганларни мардонавор феъл-атвори, одоб-назокати, хизматга шайлиги, нозик табиатлилиги бошқалардан ажратиб туради. Уларга ҳеч иккиланмай ишониш мумкин, чунки улар хиёнат қилишмайди. Нимаики ишга ваъда берсалар, қўлларидан келганича бажаришади. Чекиниш ва тараддудланишни билмаган ҳолда, фақат тўғри йўлни танлашади. Булар виждонли ва мард кишилардир. Айни пайтда, дўлвор, ишонувчан ва ҳимоясиз кишилар бўлиб, уларнинг дилини оғритмоқ осон. Бошқа кишилар билан тил топишишлари қийин, аммо ўзларининг бармоқ билан санарли дўстларини ҳеч қачон оғир аҳволда қолдиришмайди, умр охиригача уларга содиқ бўлишади.

Ушбу йилда туғилган аёллар совға-салом қилишни, шод-хурсандчиликни хуш кўришади. Улар яхши она ва оқилона уй бекасидирлар.

Тўнғиз мучалида туғилганлар учун дўстлар ёки ҳаёт йўлдоши сифатида мос келувчи мучаллар — қуён, қўй;

. Бирмунча ёки маълум вазиятлардагина бир-бирига тўғри келадиган мучаллар — сичқон, йўлбарс, хўкиз, аждаҳо, хўроз, ит, тўнғиз;

Мутлақо тўғри келмайди — илон.

●●●

Қуйида мустақилликка эришган йилимиздан бошлаб, биз қарши олган ва ҳали кутиб олажак йилларнинг шарқона мучалини эътиборингизга ҳавола этишни ҳам жоиз кўрдик.

Қўй	1991	2003
Маймун	1992	2004
Хўроз (товуқ)	1993	2005
Ит	1994	2006
Тўнғиз	1995	2007
Сичқон	1996	2008
Хўкиз (сигир)	1997	2009
Йўлбарс	1998	2010
Қуён	1999	2011
Аждарҳо (балиқ)	2000	2012
Илон	2001	2013
От	2002	2014

ва шу тартибда такрорланаверади.

●●●

Тилагимиз: ҳамма мучалда туғилганлар ва бизнинг турли манбалардан фойдаланган ҳолда ёзган ушбу битикларимизни **ўқиганларнинг** барчаси ҳам бахтли, саодатли бўлишсин!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси

бутун Ўзбекистон халқини, Миллий Ассоциация аъзоларини муборак Қурбон ҳайити ва Янги 2007 йил билан самимий табриклайди!

Барчага соғлик-саломатлик, бахт ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси

КАСТРО СОҒАЙМОҚДА

Куба етакчиси Фидель Кастро ўз соғлиғи тўғрисида радио орқали чиқиш қилиб, «менинг соғайиб кетишим учун кўп вақт талаб этилади, ҳозир анча тузукман» деди. У кубаликларни Янги йил байрами билан қутлаб, меҳр-муҳаббати ва қўллаб-қувватлаганликлари учун ўз халқига миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, 80 ёшли Президент касалхонада малакали, садоқатли шифокорлар назоратида бўлаётганлигини ҳамда ўзи тартибга қатъий амал қилувчи бемор эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шу пайтга қадар Кастронинг соғлиғи ҳақидаги маълумотлар халққа ошкор этилмаётганди. Айримлар бу ҳолатга турлича баҳо бераётган, Кастрони рак бўлган, дейишаётган эди. Масалан, АҚШ миллий разведкаси директори Жон Негропонте «Куба раҳбари саноқли ойлар ичида вафот этади» деб «башорат» қилганди. Бундай тахминларга қарши испаниялик доктор Хосе Луис Гарсия Сабридо муносабат билдирди. «Озодлик ороли»га Кастрони обдон текшириш учун келган испаниялик шифокорнинг сўзларига кўра, Куба етакчиси рак билан оғримаган, уни операция қилишга ҳам ҳожат йўқ ва саломатлиги тобора тикланиб бормоқда.

ВАКОЛАТЛАР КЕНГАЙТИРИЛДИ

Қирғизистон парламенти мамлакатнинг янги таҳрирдаги Конституциясини қабул қилди. Унда Президентнинг ваколатлари кенгайтирилган бўлиб, эндиликда Президент вилоятларнинг раҳбарларини ўзи мустақил тайинлаши, барча қуролли кучларни назоратга олиши мумкин. Бундан буён ҳам миллий банк, ҳисоб палатаси, марказий сайлов комиссияси ва бош прокуратура раҳбарлари Президент томонидан тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

Янги таҳрирдаги конституция қабул қилинмасдан сал аввалроқ депутатлар давлат бошқаруви тўғрисидаги конституциявий қонунга ҳам тузатишлар киритишган эди. Эндиликда Президент бош вазир томонидан тавсия қилинган номзодларни вазир лавозимига мустақил тайинлайди. Илгари вазирликка номзодлар парламент томонидан тасдиқланар эди.

КИМГА ТЎЙ, КИМГА АЗА

Ироқда кимлардир Қурбон ҳайит ва Янги йил байрамини шоду-хуррамлик билан нишонлаётган бўлса, кимларгадир байрам умуман татимади. Негаки, байрам арафасида Ироқнинг собиқ Президенти Саддам Ҳусайн суд ҳукмига кўра қатл этилди (осиб ўлдирилди).

Жаҳондаги бир қатор оммавий ахборот воситалари тарқатаётган маълумотларга кўра, суд ҳукми белгиланган вақтда ва режа асосида ижро этилган. Саддам Ҳусайнни қатл этиш жараёни видеотасмага олинган. Саддам ўлимни мардонавор, совуққонлик билан кутиб олган.

Ироқнинг собиқ раҳбари ҳаётининг сўнгги кунларини қамоқхонада Қуръони каримни ва фалсафий адабиётларни ўқиш билан ўтказган. Шунингдек, у оила аъзолари учун хатлар ва мемуарлар ёзган. Унинг Ироқ халқига ёзган мурожаатининг матни ўлимидан бир неча кун олдин интернетда пайдо бўлган эди. Ўз халқини оқни қорадан ажратиб олишга, соғлом фикр юритиб, тўғри қарор қабул қилишга, ҳамжиҳат бўлишга, Ватанни севишга, уни улуғлашга чақирган Саддам Ҳусайн мурожаатини шу сўзлар билан якунлайди: «Менинг садоқатли халқим мен сен билан видолашаяпман. Яратган улуғдир. Ироққа ва бизнинг буюк халқимизга шарафлар бўлсин».

Собиқ Президентнинг танаси унинг қариндошларига берилиши мумкин. Чунки, Саддам Ҳусайннинг қизи Рагад отасининг мурдаси қариндош-уруғларига топширилишини сўраб, Ироқ ҳукуматига мурожаат қилмоқда. Шунингдек, у ҳукм ижро этилмасдан олдин Яман Президенти Али Абдулла Салехга ҳам мурожаат қилиб, отасининг танаси қариндошларига қайтарилишида амалий ёрдам беришни сўраган.

ҚУТҚАРУВЧИ МУШУК

Австралияда 4 кишидан иборат оилани мушук ёнғин балосидан сақлаб қолди. Гап шундаки, кечаси матраснинг ёнишидан, тутун ҳидидан безовта бўлган мушук оила бошлиғини тишлаб уйғотади. Шундан сўнг ота тезда оила аъзолари билан хонадонни тарк этган.

• *Спорт*

ТААССУРОТЛАР, НИЯТЛАР

2006 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди? Янги йил режаларингиз ...



Рустам САИДОВ (+91 кг.), бокс бўйича Сидней олимпиадаси совриндори, Осиё ўйинларининг икки карра ғолиби, Афро-Осиё ўйинлари чемпиони, Осиё чемпионати олтин медали соҳиби, халқаро тоифадаги спорт устаси:

— Ўтган йили мамлакат чемпионати ва қатор халқаро турнирларда совриндор бўлдим. Декабрь ойида Қатар пойтахти Дохада ўтказилган XV Осиё ўйинларида Қирғизистон, Эрон, Қозоғистон сингари давлатлар боксчиларини енгиб, олтин медаль билан тақдирландим.

Янги йилдан эса умидларим катта. Бу йил мамлакатимиз боксчилари 2008 йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларига саралаш баҳсларига киришади. Ёдингизда бўлса, 2000 йил Сидней олимпиадасида бронза медали билан тақдирлангач, орадан тўрт йил ўтиб, Афинада эса чемпионликни кўзлагандим. Бироқ ушбу мусобақада омадим келмади. Шу боис, янги йилда ўз олдимга мамлакатимиз боксчилари орасида биринчилардан бўлиб, Пекин олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритишни мақсад қилиб қўйганман. Бу борада ўтган йили Доха рингларида эришган ғалабаларим кучимга куч қўшиб, мени янги муваффақиятлар сари ундайди.

Давлат ЧОРИЕВ (90 кг.), кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби:

— 2006 йил мен учун омадли келди. Дастлаб баҳорда Ўзбекистон Президенти соврини учун Муборак шаҳрида Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирда барча рақибларимни енгиб, «Нексия» автомашинасини қўлга киритдим. Сўнгра мамлакатимиз мустақиллигининг ўн беш йиллиги арафасида Кобул(Афғонистон)да уюштирилган Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. Айниқса, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олиш учун илдам одимлаётган миллий қадриятимиз — кураш бўйича XV Осиё ўйинларида норасмий равишда бўлса-да уюштирилган мусобақаларда ўз вазн тоифамда ғолиб чиққанимни ҳеч қачон унутмайман.

Худо хоҳласа, 2007 йилда ҳам ўз анъанамга содиқ қолиб, мусобақаларда фақат ғалаба учун гиламга чиқишга ҳаракат қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамюртларимизни янги йил билан чин қалбдан табриклаб, уларга узоқ умр тилайман. Энг муҳими, уларга полвонларимизнинг улкан ғалабаларини кўриб юриш насиб қилаверсин.

Гузел ХУББИЕВА, енгил атлетика бўйича Осиё чемпионати совриндори, XV Осиё ўйинлари олтин ва кумуш медаллари соҳиби:

— Йилнинг энг муҳим спорт воқеаси — Дохада ўтказилган XV Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари юқори натижаларни қайд этишди. Унда менинг ҳам камтарона ҳиссам борлигидан хурсандман. Қитъа олимпиадасида аввало халқимиз ҳамда мураббийим Елена Квитковскаяларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилдим. Аввалига 100 метр масофага югуриш баҳсларида олтин, сўнгра 200 метрга югуриш бўйича кумуш медаль билан тақдирландим.

Ниятим — янги йилда ўтадиган нуфузли мусобақаларда бор маҳоратимни ишга солиб, 2008 йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги олимпиадага йўлланмани қўлга киритишдир. Бунинг учун эса тажрибам ҳам, кучим ҳам етади.

Эркин ХОЛБОБО

САНЪАТ КОЛЛЕЖИ

Элликқалъа туман маркази Бўстон шаҳрида янги санъат коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. Ўқув маскани биноси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчилар Ибодулла Саъдуллаев, Абат Мерешовлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида «Элликқалъа деҳқон қурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Маҳорат синфлари, аудиториялар, студиялар, пардозлаш хоналари, гимнастика ва рақс заллари, кутубхона ҳамда ошхона замонавий жиҳозлар, ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланди.

Коллежнинг очилиш маросими катта байрамга айланиб кетди. Тадбирда туман ҳокими Неъматилла Худайбергенов, Ўзбекистон давлат консерваторияси проректори Отаназар Матёқубов, Қорақалпоғистон халқ артисти Байрам Матчонов ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги кун ёшларига яратилаётган шарт-шароитлар хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧИ

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

НОЁБ ТОПИЛМА

Юртимизнинг кўп қадимийлиги маълум. Шу боисдан қадимшуносслар ҳар бир осори-атиқанинг қадимийлиги ва қийматини баҳолашда унчалик шошилмайдилар.

«Олтин мерос» халқаро жамғармаси Хоразм бўлими музейига тақдим қилинган топилмани эса ҳақиқатан ноёб дейилмоқда. Бир қараганда улкан ёғоч бўлагини эслатадиган баландлиги бир метр ўттиз икки сантиметр, айланма эса 80 сантиметр атрофида бўлган, оғирлиги эса икки юз кило тош босадиган бу матоҳни қадимшунос олимлар воҳа табиатига мос ўсадиган гужум дарахти бўлаги, деган хулосага келишди. Ҳақиқатан ҳам унинг айрим ўринларида бутоқлар ўрни кўзга ташланди. Тупроқ остида юзлаб, балки минг йиллар ётганидан у мисли тошга айланиб кетган.

Халқаро жамғарманинг вилоят бўлими раиси, ўлкашунос Комил оға Нуржонов изланувчан инсон. Ҳар йили қадим воҳанинг турли гўшаларида илмий экспедициялар ўтказади. Бу гал Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ҳудудидаги қадим Чилпиққалъа ёдгорлиги атрофида ўтказилган илмий изланишлар ана шу ноёб топилмани юзага чиқарди.

Ўлкашунос фикрича, ноёб топилманинг ёши икки-уч мингларга боради. Унинг таркибини ўрганиш эса узоқ даврларда воҳа иқлими борасида янги маълумотлар бериши мумкин.

Ноёб топилма музей экспонати сифатида таширф буюраётган сайёҳлар ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

• *Ярми ҳазил, ярми чин*

«ЖАНУБ ОҚШОМИ» ВА «ЎРОЛ ТОНГИ»

Бу воқеага анча йиллар бўлди. Свердловск кончилик институтининг талабалари Янги йилни ўз оиласи даврасида кутиб олиш ниятида 30 декабрданоқ ўқишни йиғиштириб, уй-уйларига кетишди. Ётоқхонада яшовчи талабалар ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб яқин атрофдаги пансионат ва лагерларга йўл олишди. Гуржистоннинг Чиатури шаҳридан келган Агдам, ереванлик Артур ва камина ҳувиллаган ётоқда ёлғиз қолдик.

— Лоақал биронтаси тил учида: «Бизникига юр, Янги йилни бирга кутамиз», дейишмади-я? — деб шерикларим жиғибийрон бўлишарди.

— Гина-пина қилиб ўтиргандан кўра, байрамни қандай нишонлашни учовимиз ўйлайлик! — дедим мен.

Гапим иккала кавказликка маъқул тушди. Кайфиятимиз яна байрам тусини олди.

— Янги йил кечамиз ажойиб бўлиши керак! — деди Агдам шўх жилмайиб.

— Унда бор пулларимизни ўртага ташлайлик! — буюрди иккинчи шеригимиз.

Пулларимиз анча-мунча чиқди. Стипендиягача овқат пулимизни четга ажратдик. Қолган бир даста пул Артурнинг қўлига ўтди.

— Сен бозорга бориб рўйхатда нима ёзилган бўлса барчасини олиб келасан. Сен эса, — Агдам менга юзланди, — бутун рассомлик ҳунарингни ишга солиб хонани Янги йил байрамига ясатасан.

— Сен-чи? — сўрадик ундан.

— Менинг вазифам учта қиз топиб, базмимиз ширин ўтишини таъминлашдир, — деди Агдам тантанали тусда.

Унинг гапларига ишонмай иложимиз йўқ эди. У ҳақиқатан ҳам шаҳзодалардек келишган йигит эди. Кўчада юрганимизда ҳатто қизларнинг ўзлари унга гап отишарди...

— Учта ароқ ёзибсан. Бу кўплик қилмасмикан? — деди хавотирланиб Артур. — Ахир икки шиша коньягимиз, бир-икки шиша мусалласимиз бор...

— Уч пари, учта забардаст йигит ўтирганида ичимликлар дарёдек оқиши керак, — деди Агдам.

— Ҳай майли! — қўнақолди Артур. — Аммо олтита лимону бир кило шакарингга бало борми?

— Мен шундай ичимлик тайёрлайки, уни ичган қизлар бизга таъзим қилсин! Ёзилганларнинг барчасини олиб кел. Бу Янги йил кечаси қизларнинг умрбод ёдларида қолади, — деди Агдамнинг кўзлари ёниб.

Ҳамма нарса рисоладагидек бўлди. Егуликлар дастурхондан жой олди. Хонамиз байрамона безатилди, бироқ Агдам йўқ эди.

Кечга яқин Агдам ҳовликиб кириб келди, оғзи қулоғида эди. У катта шиша балонни олиб, ичига Артур олиб келган учта ароқни қуйди. Олтита лимоннинг пўстини артиб тоғорачада миғидида, шарбатини ҳам балонга қуйди ва устидан бир кило шакарни солиб юборди. Ҳосил бўлган кўкимтир-сариғиш тусдаги қуйқани Агдам икки соатча тўхтамай чайқатиб қоп-қора терга ботди. Сўнгра, ичимликни докадан сизиб ўтказди, унинг ранги тиниқ ва майин рангда жилваланади. Агдам аллақандай ажнабий катта шиша идиш топиб, ўз ичимлигини авайлаб унга қуйди. Унинг таъми шундай ажойиб, ичилиши ҳам шунақа енгил эдики...

Ўз ишидан мамнун бўлган Агдам «Ичимлигим фақат қизлар учун!» деб сирли жилмайди.

— Қизларни маст қилармикан? — сўрадик ишонқирамай.

— У ҳали томошани кўрасанлар, улар музқаймоқдек эриб кетишмаса, мени Агдам демайсанлар!

Учовимиз яратилган янги ичимликка «Жануб оқшоми» деган ном бердик. Мен қўлбола ёрлиқ ясаб идишнинг белига ёпиштирдим. «Жануб оқшоми» дастурхоннинг энг икромли жойидан ўрин олди.

Келишилган пайт Агдам кўчага чиқиб кетиб, сал ўтмай қизларни бошлаб кирди. Улар ҳақиқатан ҳам бир-биридан гўзал, худди қўғирчоқдек эдилар.

— Бизнинг кўримсиз кулбамизга Янги йил кечаси ташриф буюрган бу гўзаллар Ўрол университетининг кимё факультети маликаларидир! — деди Агдам тантановар оҳангда.

Сўнгра у бир қизнинг белидан қучиб, ўртага олиб чиқди-да:

— Бу менинг Иринам! — деб, стол тўрига ўтказди.

Икки юзида кулдиргичи бор, қора сочлари турмакланган қизни етаклаб Артурнинг олдига келди.

— Замонамизнинг энг улуғ композитори Арам Хачатурянниннг ўғай ўғли бўлмиш Артур! — деди Агдам қизчани Артурга юзлаб. — Шундай аянчли аҳволингга қарамай, гўзал Нина бугун сенбилан бирга бўлади.

Учинчи — тилла ранг сочли, мовий кўзли қиз — Таня билан мен ҳам ўз ўрнимизни эгалладик.

Кечамиз ҳазил-ҳузуллар билан чиройли бошланди. Унинг кўнгилдагидек ўтишидан гумонларимиз қолмади. Ўтиришни грузин виноларидан бошладик. Хилма-хил шарқона таомлар билан лаззатли винолар бир-бирларига жуда мос эди назаримда. Ҳали Янги йил бошланмай ичимликларнинг тез кетишидан хавотир олган Агдам, ўзининг «оғир артиллерия»сини ишга солди.

Қизлар шаънига ниҳоятда чиройли қадаҳ сўзлари ёғилаверди, ўрнимиздан туриб бокалларни бўшатвердик. Яна қадаҳлар тўлатилиб, қизларнинг илтимосига кўра эркакларни мақтаб, улар учун ичдик. Кейин яна...яна қадаҳ кўтардик... Қолгани ёдимда йўқ.

Кўзимни очсам, ўз кароватимда ётибман! Атрофга қарасам, кечаги гўзал қизлардан ном-нишон йўқ! Арам Хачатурянниннг «ўгай ўғли» дераза остида муздек полга юзини бериб ётибди. Грузин «шаҳзодаси» эса, кароватдаги ўрин-тўшакни ерга суриб ташлаб, қуруқ темир сетка устида чўзилган...

Стол устига қарасам, лаънати «Жануб оқшоми»дан ярмигина ичилибди холос. Унинг ёнида турган идишда эса тузланган карам суви. Идишнинг белига оқ қоғоз ёпиштирилган бўлиб, қизлар унга сиёҳ билан «Ўрол тонги» деб ёзиб кетишибди.

Маълум бўлишича, ичимликка анчагина «чидамли» бўлган ўроллик қизлар бизнинг ниятимизни пайқаб, ўзимизни чув туширишибди. Бундай ўткир ичимликдан қизлар эмас, аксинча биз нўноқ йигитлар эмаклаб қолган эдик.

Агдам зўрға кўзини очиб, атрофга гарансиб қараркан, «Бизга нима бўлди?», — деди. «Ўргилдим «Жануб оқшоми»нгдан, — деди норози оҳангда Артур. «Ўзимиз қазиган чоҳга ўзимиз тушдик», — дедим мен донолик қилиб. Сўнг бир-биримизга қараб ҳирингладик... Ростдан ҳам кулгули аҳволда эдик.

Ўроллик қизларни бошқа кўрмадик. Аммо ўша Янги йил кечаси бир умр ёдимизда қолди...

Аъзам АЗИМИЙ,
техника фанлари доктори, профессор

ОДАМЛАР ВА ОДАТЛАР

ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ НИШОНЛАЙДИ?

Ҳар йили одамлар Янги йил байрамини ўзгача кайфиятда қаршилайдилар. Қизиғи шундаки, кўпчилик бу байрамни биринчи бўлиб кунчиқар мамлакат — Японияда нишонлайдилар, деб ўйлайди. Бироқ ундай эмас. Байрам ер курраси нинг турли қисмида ҳар хил вақтда қаршиланади. Яъни, халқаро микёсда келишилган «Кун алмашинадиган чизиқ»дан бошланади. Бу чизиқ эса Евроосиё билан Шимолий Американи бир-биридан ажратиб турувчи Беринг бўғозидан ўтган.

Демак, Россиянинг шимолий-шарқий чеккаси ҳисобланган Чукотка ярим оролида яшовчилар Янги йилни биринчи бўлиб қарши оладилар. Орадан икки соат ўтгач японлар, беш соатдан кейин мўғуллар, вьетнамликлар, етти соат ўтгач тошкентликлар, ўн соатдан кейин москваликлар, ўн икки соатдан сўнг француз ва инглизлар, ўн етти соат ўтгач эса Нью-йорк ва Вашингтонга Янги йил кириб келади.

Австрияда мўри тозаловчи қадимдан омад ва эсон-омонлик рамзи ҳисобланган. Байрам кирадиган куни кимки уни учратиб ўзига қурум юқтирса, омади келармиш. Болгарияда эса айём бошланишидан дарак берувчи бонг урилгач, барча уйларда чироқ ўчади ва ҳамма ўпиша бошлайди. Бонг-ю байрам пишириғи ичига яшириб қўйилган тангани ким топиб олса бахтли бўлиши, атиргул ғунчаси чиқса муҳаббатда собит туриши кутилар экан.

Англияда инглизлар байрамни зўр тантана билан нишонлайдилар. Ҳамма бир-бирини Янги йил оқшомига таклиф қилади. Венгрияда эса байрам дастурхонига парранда гўшти қўйилиши ман этилади. Голландлар фақат уй бекалари тайёрлаган сомсани хуш кўрадилар. Бандаргоҳларда эса кемалар Янги йил гудогини чалади. Итальянлар бўлса ўз уйларидаги кераксиз буюмларни кўчага улоқтириб, Янги йилни қаршилайди..

Японларда Янги йил кечаси қишлоқ ва шаҳарларда 108 марта бонг уриш одати бор. Бундай бонглар овози телевидение ва радио орқали намойиш этилади. 108 марта бонг берилишининг сабаби одамда олти хил унсур — бахиллик, жаҳлдорлик, тентаклик, енгилтаклик, журъатсизлик ва айёрлик каби «хислатлар» бўлиб, улар ҳам ўз навбатида 18 хил белгига эга экан. Ҳар бир бонг одамларни ана шундай «фазилат»лардан тозалар экан.

Хорижий манбалар асосида тайёрланди

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Olim MURODOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Baxtiyor DO`SJONOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 46
14373 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 16.20
Topshirilgan vaqti — 18.20
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda